

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БОБОНАЗАРОВ НАВРУЗ ХАБИБИЛЛАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ОДОНТОГЕН ЖАҒ КИСТАЛАРИНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобоназаров Навруз Хабибиллаевич

Болаларда одонтоген жағ кисталарини комплекс даволашни

такомиллаштириш3

Бобоназаров Навруз Хабибиллаевич

Совершенствование комплексного лечения одонтогенных кист челюстных

костей у детей27

Bobonazarov Navruz Habibillaevich

Improvement of complex treatment of odontogenic cysts

of jaw bones in children51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1550 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsdj.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Дусмухамедов Дилшод Махмудович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Jun Paeng Yong**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Жанубий Корея)

Боймуратов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Токаи тиббиёт маркази (Япония)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru; факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда болалардаги жағ суякларининг одонтоген кисталарини даволаш жарроҳлик стоматологиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Амбулатор шароитда жарроҳ-стоматолог амалиётида одонтоген жағ кисталари билан беморлар мурожаати тиш суғуриш амалиётидан кейинги ўринда туради ва жағлардаги жарроҳлик амалиётларининг 40% дан кўпроғини ташкил қилади. Ушбу гуруҳ касалликларининг келиб чиқиши ва патогенезида тиш ҳосил қилувчи тўқималар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жағ суякларида жойлашувига кўра 8–10% ни ташкил қилади. Илмий манбааларда келтирилишича «... одонтоген кисталар болалар орасида кенг тарқалган бўлиб, кистанинг йирингли яллиғланиши оқибатида остеомиелитнинг ривожланиши, жағларнинг деформацияси, тишларнинг йўқотилиши, жағларнинг патологик синиши ҳатто киста деворининг эпителийсидан жағларнинг хавfli ўсмалари ривожланиши ва жарроҳлик амалиётларидан сўнг қайталаниб асоратланиши...»¹ ва йилдан-йилга ушуб патология билан касалланиш кўрсаткичларининг бутун дунёда ўсиб бориши болаларда одонтоген кисталарни даволаш ва асоратларининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда жағларнинг одонтоген кисталаридан кейин ҳосил бўлувчи нуқсонларни олдини олиш, ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда жағ суякларидаги кисталарнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш ҳамда суяк нуқсонининг бўшлиғини тўлдириш учун клиник амалиётда жарроҳлик аралашув соҳасида репаратив остеогенезга фаол таъсир кўрсатадиган турли хил биологик ва тиббий материаллар ишлаб чиқилган ва уларнинг қўлланилиши таклиф қилинган. Бироқ, болаларда суяк бўшлиқларини тўлдириш учун параллел равишда синтетик полимер материалларни қўлланишнинг тажрибада ва клиникада асосланган усуллари, аниқ ҳолатга қараб фойдаланиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан жағ суякларининг одонтоген кисталари мавжуд бўлган болаларни комплекс даволашни такомиллаштириш тиббиётнинг долзарб илмий ва амалий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли орасида тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан жағларнинг одонтоген кисталарида косметик нуқсонлар, улардаги анатомик функционал бузилишларни бир-бирига узвий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ташҳислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бажарилмоқда. Мамлакатимизда тиббиётни, хусусан, стоматологик касалликларни даволаш ва асоратларини камайтириш, жумладан «...тиббий

¹ Кушнер А.Н., Лапковский В.И., Петрович Н.И. Одонтогенные кисты у детей: эпидемиология и лечение // Современная стоматология. 2017. №2 (57).

ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар орасида стоматологик касалликларни ташхислаш, даволашда, замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини илмий-тадқиқот изланишларни талаб этадиган долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида болаларда одонтоген жағ кисталарини комплекс даволашни такомиллаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жарроҳлик амалиёти бажариладиган соҳада суяклар янгилианишини кучайтириш мақсадида бугунги кунда турли хил усуллар билан тайёрланган ауто- ва аллоксенотрансплантатлар қўлланилади. Кисталарнинг клиник симптом комплекси унинг ҳажми, атроф тўқималардаги ўзгариш даражаси, жағларда жойлашуви, касалликнинг кечиш хусусиятлари ва унинг юзага келиш сабабларига боғлиқ. Кисталарнинг қўшни анатомик соҳаларга тарқалиши қўшимча клиник белгиларни юзага келтиради. Киста бўшлиғининг пастки бурун йўлига ўсиб кириши нафас олишни қийинлаштиради. Юқори жағ бўшлиқларига ўсиб кировчи кисталар юзнинг ўрта қисми зарарланган томонида оғирлашув ҳисси ва бош оғриғини юзага келтиради. Кисталар юқори жағ гаймор бўшлиғининг олд медиал томонига ўсиб, бурун-кўз ёш каналига босим ўтказиши оқибатида кўз ёшланиши вужудга келади. Кистоз бўшлиқнинг босим остида пастки альвеоляр канал юқори деворини

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

шикастлаши натижасида оғиз бурчаги ҳамда альвеоляр ўсиқ атрофи шиллик кават соҳаларида увушиш белгилари юзага келади.

Ҳозирда суяк нуқсонларини остеогеник қайта тиклаш мақсадида қулай шарт-шароитларни яратишда регенерация жараёнларини бошқариш ва бошқаришга имкон берадиган материаллардан фойдаланиш таклиф этилган. Сўрилувчи ва сўрилмайдиган мембраналар кўринишидаги ушбу материаллар суяк нуқсони соҳасида фақат остеоген тузилмаларнинг ривожланиши ва шаклланишига ёрдам беради (Забокрицкая Д.М., 2010; Козлов В.А., 2015; Геммел Г., 2017; Сакума Т., 2019; Маггиоре С., 2020).

Болаларда жағ одонтоген кисталаридан кейин ҳосил бўлувчи эстетик ва косметик нуқсонлар, анатомик ва функционал бузилишлар, даволанишнинг бир неча босқичларда давом этиши беморнинг нафақат руҳий ҳолатига, балки узоқ муддатга болалар соғлигининг йўқотилишига сабаб бўлади. Одонтоген жағ кисталарини даволашда юзага келадиган хато ва камчиликлар жағ остеомиелити, абсцесс ва флегмоналар, сепсис, патологик жағ синишлари каби жиддий асоратларни юзага келтиради.

Шундай қилиб, маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлили шуни кўрсатдики, одонтоген кисталарни даволаш ва профилактикаси долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади ва бу ўз навбатида мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01190023 «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари, деформациялари, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатлари, ўсмалари бўлган беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитациясига замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2025 йй).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда жағ суякларининг одонтоген кисталарини даволашда остегенезни стимуляциялаш мақсадида остеопластик препаратдан фойдаланишни экспериментда ва клиникада қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник-рентгенологик, ретроспектив таҳлил асосида одонтоген жағ кисталари сабабли даволанган беморларнинг натижаларини ўрганиш ва баҳо бериш;

тажриба ҳайвонларининг жағ суякларида сунъий ҳосил қилинган нуқсонни бартараф этишда остеопластик препаратининг остегенезга таъсирини ўрганиш ва клиникада қўллашни асослаш;

одонтоген жағ кистаси натижасида ҳосил бўлган нуқсонни остеопластик препаратини қўллаш билан ўтказилган цистэктомия операциясининг натижаларини клиник рентгенологик, денситометрик жиҳатдан баҳолаш;

одонтоген кисталарни анъанавий ва таклиф қилинган остеопластик препаратини қўллаш билан жарроҳлик даволаш натижаларини қиёсий таҳлилинини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 2018-2021 йиллар мобайнида Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимига жағ кисталари ташҳиси билан мурожаат этган 6-18 ёшдаги 54 нафар болалар ва ўсмирлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, остеопластик препарати, тажриба хайвонлари (қуён) ва тиббий варақа маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида морфологик (биопсия), цитологик, рентгенологик (ортопантомограмма, МСКТ), клиник-лаборатор, статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажриба хайвонларида сунъий ҳосил қилинган нуқсонда қўлланилган остеопластик препарати таркибидаги коллаген толалар дастлаб дағал, бир неча муддатдан сўнг пластинкасимон шаклланиб нуқсон атрофи суяк тўқимаси парчаланишини олдини олиши тажрибада асосланган;

болалардаги жағ суяқларининг одонтоген кисталарида шаклланган нуқсонни бартараф этиш мақсадида қўлланилган остеопластик материали остеогенезни стимуляция қилиши (рағбатлантириши), ҳосил бўлган тўқимага қон томирларнинг жадал кириб бориши ва натижада остеобласт суяқланишга оптимал шароит яратилгани илк бор аниқланган;

қўлланилган усулнинг 12-ойдан кейинги рентгенологик текширувлар натижаларида киста сабабли шаклланган нуқсон ўрнида тўлиқ тикловчи регенерат пайдо бўлиши ва тузилиши, зичлиги бўйича атрофдаги суяк тўқималарига конструктив яқинлиги аниқланган;

болаларда цистэктомиядан сўнг суяк бўшлиғини тўлдириш мақсадида остеопластик препарати қўлланилганда периостал ва эндостал суяқларнинг қайта тикланишини ва кистоз бўшлиқнинг янги ҳосил бўлган суяк тўқимаси билан тўлдирилиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда жағ суяқлари одонтоген кисталарини жарроҳлик усулида даволашда «А-Oss» остеопластик препаратининг қўлланилиши операциядан кейинги нуқсонда ҳосил бўлган суяк тўқимасининг сифати ва миқдорининг ошиши имконини берган;

цистэктомия операциясидан кейин ҳосил бўлган суяк бўшлиқларини остеопластик препарати ёрдамида тўлдириш шу соҳада остеорепарация жараёлари кечиши учун оптимал шароит яратилиши ва суяк тўқимаси тикланиши ҳамда реабилитация муддатларининг қисқариши имконини берган;

таклиф қилинган остеопластик препаратни қўллаш орқали суяк нуқсонларини тиклашда операциядан кейинги асорталранинг олдини олиниши ва даволашда ўртача ётоқ куни қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, клиник,

лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олиб борилган текширишлар натижасида олинган маълумотлар экспериментал ва клиник-лаборатор тадқиқотлар кўрсаткичларининг яхшиланиши орқали таклиф қилинган остеопластик материалнинг қўлланилишини асослаган ҳамда болаларда жағ суяklarининг одонтоген кисталарини комплекс даволаш самарадорлиги нуқсонни бартараф этишда қўлланиладиган остеопластик материал тури ва таркибига боғлиқлигинининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, жағ суяklarининг одонтоген кисталари ва уларнинг асоратларини ташхислашда рентгенологик текширишлар билан бир қаторда денситометрия усулидан фойдаланиш қўлланилган текишириш усулларида кўпроқ маълумотлар олинишига имкор берган. Барча олинган натижалар жағ суяklари одонтоген кисталаридан кейин ҳосил бўлган нуқсонларни остеорепаратив жараёнлар динамикаси борасидаги мавжуд бўлган амалий, янада аниқ маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилиши, таклиф қилинган цистоектомия операциясида остеопластик материални қўллаш протоколи ва стандарти юз-жағ жарроҳлиги амалиётида суяк тўқималари нуқсонларини тиклашда қўлланилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида даволаш самарадорлигининг ошишига, операциядан кейинги асоратларининг олдини олинишига, даволаш ва реабилитация муддатларининг қисқаришига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Таклиф этилган остеопластик материални қўллаш орқали болаларда жағ суяklари одонтоген кисталаринининг комплекс давосини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда жағларнинг одонтоген кисталарини даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Совершенствование лечебной тактики одонтогенных кист челюстей у детей с использованием костного материала” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-р/480-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома болаларда жағларнинг одонтоген кисталарини даволаш тактикасини такомиллаштириш ва даволаш муддатини қисқартириш имконини берган;

болаларда жағларнинг одонтоген кисталарини остеопластик материаллари ёрдамида даволаш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Способ лечения одонтогенных кист челюстных костей у детей с использованием остеопластических материалов А-Oss” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 8н-р/285-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсиянома болаларда жағларнинг одонтоген кисталарини «А-Oss» остеопластик материаллари ёрдамида даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган усуллар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали ҳамда Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-з/242-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши болаларда жағ суякларининг одонтоген кисталарини касалликнинг оғирлиги ва даражасини ҳисобга олган ҳолда остеопластик материалдан фойдаланиб комплекс даволаш усулини такомиллаштириш, иккиламчи деформациялар пайдо бўлиш хавфини камайтириш, жағ суякларининг одонтоген кисталари мавжуд беморларда операциядан кейинги эрта ва кечки асоратларнинг олдини олиш ҳамда боланинг касалхонада қолиш муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Одонтоген кисталар ҳақида замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи боби мавзу бўйича адабиётлар маълумотларининг таҳлилига бағишланган ва бешта кичик бобдан иборат. Одонтоген жағ кисталари таснифи, клиник кўринишлари, уларни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг суяк регенерацияси ҳақидаги замонавий қарашлари,

суяклар регенерациясида ўсиш факторнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган. Остеопластик материалларнинг қўлланиши, даволашни муқобиллаштириш ва ташхислаш мезонларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарилган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулоса билан якунланади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг хусусиятлари, шу жумладан клиник материалнинг умумий хусусиятлари, аниқлаш усули, бажарилган жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги мезонлари, клиник, рентгенологик ва лаборатор тадқиқот усуллари тавсифлари тасвирланган.

Барча беморлар Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида клиник-лаборатор ва рентгенологик текширувлардан ўтказилиб шу ернинг ўзида даволанди. Беморлар контингентини 6-14 ёшдаги болалар ва ўсмирлар ташкил этди. 2018-2021 йилгача жағ кисталар билан оғриган 54 нафар беморлар даволанди. Уларда оператив муолажада жағ суягида нуқсон ҳосил бўлгани сабабли 25 тасида остеопластик препаратини қўлланилган ҳолда, 15 та беморга остеопластик препарати + PRF ва қолган 14 та тасида остеопластик материал қўлланилмаган ҳолда оператив муолажа ўтказилди. Уларнинг 21 тасини ўғил болалар ва 33 тасини қиз болалар ташкил этди.

Барча беморларга операциядан аввал ва операциядан сўнг 1 ой, 6 ой, 12 ойдан кейин SIEMENS (Япония) томографида беморларни нейтрал ҳолатидаги аксиал проекцияда кўп қатламли компьютер томографияси ўтказилди. Компьютер томографиянинг дастурий таъминоти бўйича жағ кистаси ҳосил бўлган нуқсон ҳажми таҳлил қилинди.

Янги пайдо бўлган суяк тўқимаси зичлиги ўлчаш учун PaX-i3D Vatech Global (Ж. Корея) ускунасида ортопантомограф текшируви ўтказилди. Жағда операциядан кейин ҳосил бўлаётган суяк зичлигини Image J (Wayne Rasband, National Institute of Health, АКШ) дастури ёрдамида, рақамли тасвирларни таҳлил қилиб, денситометрик ўлчовлар ўтказилди. Янги ҳосил бўлган суяк соҳаси ва атрофдаги суяк орасидаги ўртача пикселлар ёруғлик кўрсаткичларини операциядан олдин ва 3, 6, 12 ойдан сўнг текширилди.

Диссертациянинг **“Экспериментал тажриба изланишлари”** деб номланган учинчи бобида тажриба ҳайвонларида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари баён этилган. Илмий изланишнинг тажриба қисми Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент давлат стоматология институтининг академик К.А.Зуфаров номидаги “Гистология ва тиббий биология” кафедраси лабораториясида амалга оширилди.

Ҳайвонларда тадқиқотларни ўтказиш остеорепарация жараёнининг тезлиги, сифатини морфологик баҳолашга, динамикада кузатишга, юзага келиши мумкин бўлган асоратларни аниқлашга ва ушбу препаратнинг қўлланилишига қарши кўрсатмаларни тасдиқлашга имконият яратди. Тадқиқотда куёнлар жағ суякларида сунъий равишда суяк нуқсони ҳосил қилинганда остеопластик материал остеопластик препаратини қўлланилган ва

қўлланилмаган ҳолатларда репаратив остеогенез жараёнининг динамикада ўрганишга эришилди.

Илмий изланишнинг тажрибавий – морфологик қисмида бошланғич тана оғирлиги 3.5 кг бўлган Шиншилла зотли 36 дона вояга етган лаборатория куёнларидан фойдаланилди.

Остеопластик материал қўлланилиши, самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба хайвонлари учта гуруҳга ажратиб олинди.

1 - гуруҳ (12 та куён), жағ суягида дефект ҳосил қилиниб, остеопластик материал қўлланилган гуруҳ.

2 - гуруҳ (12 та куён), жағ суягида дефект ҳосил қилиниб, остеопластик материал ва PRF қўлланилган гуруҳ.

3 - гуруҳ (12 та куён) остеопластик материал қўлланилмаган, пастки жағида дефект ҳосил қилинган гуруҳ.

Амалиётгача бўлган даврда куёнларнинг тана ҳарорати ва тана вазни эътиборга олинди. Ҳар бир кўрсаткич 1 дан 4 гача бўлган бирликда баҳоланди, тана вазни ва тана ҳарорати абсолют кўрсаткичларда белгилаб борилди.

Операция бажарилиш тартиби. Жарроҳлик амалиётидан олдин операция майдони тери тукларидан тозаланди. Антисептик эритмалар 70% ли спирт, маҳаллий препарат “Тозаден” билан ишлов берилди.

Умумий оғриқсизлантириш мақсадида ветеринарияда қўллаш учун махсус препарат Прометар (Кселанит) 0.1 мл 1 кг тана вазнига мос равишда юборилди. Амалиётнинг вена ичига оғриқсизлантириш босқичи ветеринар анестезиолог билан ҳамкорликда амалга оширилди (3.1- расм). Умумий оғриқсизлантириш билан бир вақтда комбинирланган оғриқсизлантириш учун маҳаллий сохага лидокаин гидрохлорид эритмасининг 2% ли 1.0 мл фойдаланилди. Оғриқсизлантиришдан сўнг хайвонлар пастки жағ пастки қиррасидан бурчак соҳасини айланувчи типик кесим қилинди. Қаватма –қават ўткир, тўмтоқ йўллар билан суяккача ўтилди, суяк ялонғочланди. (3.2, 3.3 расмлар).



Расм 3.2. Операция майдони кесим қилиниб, суяк юмшоқ тўқималардан ажратилиши



Расм 3.3. Суяк соҳасида бор магшина ёрдамида сунъий нуқсон ҳосил қилиниши.

Барча тажриба ҳайвонларининг пастки жағ суяги бурчак соҳасида портатив бормашина (10000 айланиш тезлигида) ёрдамида фиссур ва шарсимон борларда физиологик эритма билан суяк совитилиб турган ҳолатда синиқ чизиғи, суяк дефекти ҳосил қилинди (расм 3.4). Асосий гуруҳ учун танлаб ажратиб олинган тажриба қуёнлари пастки жағида ҳосил қилинган дефект соҳасига остеопластик материал “А-Oss” қўйилиб (расм 3.5.), дефект соҳаси анатомик шакли тикланиб , яра қаватма қават гермитик қилиб «Vycril Ethicon» 5.0 билан тикилди (расм 3.6.). Назорат гуруҳидаги қуёнларда ҳам амалиёт кетма-кетлиги мос равишда бажарилди, нуқсон соҳасига остеопластик материал қолдирилмаган ҳолатда яралар тикилди.



Расм 3.5. Суяк соҳасидаги нуқсонга қўйилган остеопластик материал.



Расм 3.6. Яра тикилгандан кейинги ҳолат.

Операциядан тамомлангандан сўнг 30 дақиқа ўтгач юрак қон томир тизими фаолиятини меъёрий сақлаб туриш мақсадида кофеин бензоат 0.5 мл ва дексаметазон 0.5 мл юборилди.

Жаррохлик амалиётидан кейинги даврда иккала гуруҳ қуёнларига ҳам оғриқ қолдирувчи, антибактериал, умумий қувватловчи даво мақсадида баралгин 1.0 мл суткасига 1маҳал, линкомицин 0.5 мл (300 мг 1 кг тана вазнига) суткада 2маҳал, рибоксин 10% ли 2мл, натрий хлорид 0.9% ли 10 мл каби муолажалар амалга оширилди.

Амалиёт ўтказилган қуёнларда суткасига икки маҳал, эрталаб ва кечқурун яраларнинг антисептик ишлови декасан эритмаси, тозадан дори воситаси ёрдамида амалга оширилди. Қуёнларда амалиётдан сўнгги биринчи уч кунликда пастки жағ суягига босим ва оғирликни камайтириш мақсадида юмшоқ, суюқ озуқа махсулотлари бериб турилди. Сўнгра одатий овқатлантириш рационига ўтказилди.

Тажриба амалиётини тамомлаш босқичида, яъни хайвонларни амалиётдан чиқариш босқичи “Золетил” препарати 100 мг миқдорда, юқори дозада бериш орқали амалга оширилди. Амалиётдан кейинги 7 чи, 14 чи, 21 чи, 30 чи ва 60 чи кунлари асосий гуруҳдан 4тадан ва назорат гуруҳидан 2тадан қуёнлар чиқарилди.

Экспериментал хайвонларда морфологик текширув натижалари. Тажрибанинг кечишини баҳолаш мақсадида умумий клиник, морфологик ва гистологик усуллардан фойдаланилди.

Морфологик текширув мақсадида нуқсон соҳасидан медиал ва дистал йўналишда 1-1.5 см масофада суяк фрагменти кесиб олинди. Олинган материал 10-14 кун давомида 10% ли формалин эритмасида қолдирилди, сўнг оқар сувда 2 сутка давомида ювилди. Азот кислота эритмасида декальцинация қилиниб, бир неча сутка давомида оқар сувда ювилди.

Кейинги босқичда дегидратация мақсадида спиртли батареяда диоксан концентрацияси ортиб бориши тартибида ўтказилди ва парафин блокларига жойлаштирилди, сўнг 3-5 нм қалинликда ультрамикротом ёрдамида кесиб олинди.

Олинган гистологик препаратлар Optika (Италия) 10&20 микроскопида нур остида ўрнатилиб кўрилди. Препаратлар Pentium III-ПВЕМ процессори асосида DSM-300 компьютер тасвир анализатори ёрдамида олинди.

Диссертациянинг “**Эксперимент текширув натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида тажрибада ва клиник амалиётда остеопластик материалнинг хайвонларга таъсири ўрганилган ва натижалари берилган.

Хайвонларнинг ҳолати эксперимент давомида, эксперимент кунидан бошлаб 14-кунларга қадар давомида кузатилди. Экспериментнинг клиник натижалари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланди: ҳаракатланиш фаоллиги, овқат истеъмол қилиш, суюқлик истеъмол қилиш, тана ҳарорати, тикувнинг туриши, шиш, гиперемия, пальпация пайтидаги оғриқ, тана вазни.



4.1 расм. Олинган қондан PRF тайёрлаш босқичлари

Операция бажарилиши тартиби. Жаррохлик амалиётидан олдин операция майдони тери тукларидан тозаланди. Антисептик эритмалар 70% ли этил спирти, маҳаллий препарат “Тозаден” билан ишлов берилди.

Ҳайвонлар пастки жағининг пастки қиррасидан бурчак соҳасини айланувчи типик кесим қилинди. Қаватма-қават ўткир, тўмтоқ йўллар билан суяккача ўтилди, суяк ялонғочланди.



а



б



В



Г

33 расм. а, б - 1 гуруҳ қуёнлар, в, г - 2 гуруҳ қуёнларда операция босқичлари

Барча тажриба хайвонларининг пастки жағ суяги бурчак соҳасида портатив бормашина (10000 айланиш тезлигида) ёрдамида фиссур ва шарсимон борларда физиологик эритма билан суяк совитилиб турган ҳолатда синиқ чизиғи, суяк дефекти ҳосил қилинди.

2а тажриба гуруҳи қуёнларининг пастки жағида ҳосил қилинган дефект соҳасига остеопластик материал - А-Oss; 2б тажриба гуруҳи қуёнларининг пастки жағида ҳосил қилинган дефект соҳасига остеопластик материал -А-Oss ва PRF материал қўйилди, дефект соҳасида яра қаватма-қават, герметик равишда тикилди


Назорат гуруҳидаги қуёнларда нуқсон соҳасига остеопластик материал қўйилмаган ҳолатда яралар тикилди.

Тажриба амалиётини тамомлаш босқичида 100 мг “Кселанит” препаратини юқори дозада бериш орқали хайвонлар наркоздан чиқарилди. Амалиётдан кейинги даврнинг 7-, 14-, 30- ва 60 - кунлари қуёнлар тажрибадан чиқарилди.

Морфологик текширув мақсадида нуқсон соҳасидан медиал ва дистал йўналишда 1-1,5 см масофада суяк фрагменти кесиб олинди. Олинган материал 10 кун давомида 10% ли формалин эритмасида фиксация қилинди, сўнг оқар сувда 2 сутка давомида ювилди. Азот кислота эритмасида декальцинация қилиниб, бир неча сутка давомида оқар сувда ювилди.



Кейинги босқичда кесмалар дегидратация мақсадида спиртли батареяда концентрацияси ортиб бориши тартибида ўтказилди ва парафин блокларида жойлаштирилди, сўнг 3-5 нм қалинликда каналли микротом ёрдамида кесиб олинди. Кесмалар гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялди.

3D рентгенологик текширувлар. Экспериментда лаборатор хайвонларнинг пастки жағ суягида сунъий ҳосил қилинган дефектнинг операциядан кейин 1 ва 60 кундан кейинги ҳолатларла суяк материали қўлланилган асосий гуруҳ жониворлар пастки жағида нуқсоннинг тўла тикланиши кузатилади. Назорат гуруҳидаги жониворларнинг пастки жағида ҳосил қилинган нуқсоннинг тўла тикланмаганлиги аниқланди.



3.1. расм. А - операциядан кейинги 1-кунда асосий гуруҳ қуёнлари 3D рентгенографияси; Б - операциядан кейинги 60-кунда асосий гуруҳ қуёнлари 3D рентгенографияси; В - 2 гуруҳида операциядан кейинги 1-кундан сўнги ҳосил қилинган нуқсон; Г - 2азорат гуруҳида операциядан кейинги 60-кундан сўнг ҳосил қилинган нуқсон


Морфологик текширув натижалари. Экспериментнинг 7-кунда назорат гуруҳи ҳайвонларида пастки жағ суягида сунъий равишда ҳосил бўлган нуқсон соҳасида суяк тўқималарининг репаратив регенерацияси динамикасини морфологик ўрганиш шуни кўрсатдики, нуқсон соҳасидаги қон қуйқаси ўрнида бириктирувчи тўқима хужайраларига бой инфилтрат аниқланди (4.9 расм). Ушбу давр ичида 2а гуруҳ ҳайвонларида инфилтрат ўрнида бириктирувчи тўқима белгилари намоён бўлди (4.10 расм). 2б гуруҳ ҳайвонларида атроф суяк тўқимадан жароҳат жойига қон томирларнинг жадал ўсиб кириши кузатилди (4.11 расм).



Расм 4.9. Тажрибадан 7 кундан сўнг (назорат). Ҳосил қилинган нуқсон соҳасининг хужайрали инфилтрат билан тўлиши. Гематоксилин-эозин. Масш.: x200



Расм 4.10. Тажрибадан 7 кундан сўнг (2а гуруҳ). Ҳосил қилинган нуқсон соҳасида хужайрали инфилтрат ўрнида бириктирувчи тўқиманинг ҳосил бўлиши. Гематоксилин-эозин. Масш.: x200




Расм 4.11. Тажрибадан 7 кундан сўнг (2б гуруҳ). Ҳосил қилинган нуқсон соҳасига ўсиб кираётган қон томирлар. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200


Расм 4.12. Тажрибадан 14 кундан сўнг (2а гуруҳ). Қон томирлар атрофида ҳосил бўлган дастлабки суяк тўсинлари. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200

Тажрибанинг 14-кунда ҳайвонларнинг назорат гуруҳида қон лахтаги билан тўлган суяк нуқсони соҳасида тўр шаклида нозик бириктирувчи тўқима пайдо бўлади, фибробластлар толалари ва якка томирлар орасида коллаген жойлашган. Суяк ҳосил бўлиш жараёни кузатилмайди. 2а гуруҳ ҳайвонларида, ушбу тадқиқот даврида қон томирлари атрофида остеобластлар билан ўралган бирламчи суяк трабекулалари кузатилади (4.12-расм). 2б гуруҳ ҳайвонларида суяк атрофидаги бириктирувчи тўқима хондроид тўқима билан алмашилиши кузатилди (4.13-расм). Хондроген хужайралар пролиферациси натижада тўсинлар қалинлашиб, дағал толали суяк тўқимаси ҳосил бўлади.


Тажрибанинг 21-кунда назорат гуруҳида етилмаган юпқа суяк тўсинлари аниқланди. Тўсин оралиқлари кенг, бўшлиқларда сийрак бириктирувчи тўқима ва қон томирлар жойлашган. Тўсинлар атрофида остеобластлар жойлашган (4.14-расм). 2а тажриба гуруҳида ушбу даврда остеогенез жараёни хондроид тўқима ҳисобига амалга ошаётгани кузатилди. Суяк тўсинлари гиалин тоғайи хужайраларининг митотик йўл орқали кўпайиши натижасида кенгайган. Улар орасига қўйилган остеопластик материал нисбати камайган. Қон томирлар ва бириктирувчи тўқима нисбати ҳам кам (4.15, 4.16-расмлар).




Расм 4.13. Тажрибадан 14 кундан сўнг (26 гурух). Дағал толали суяк тўқимасининг ҳосил бўлиши (сарик стрелка). Хондроген хужайралар пролиферацияси (қизил стрелка). Гематоксилин-эозин. Масш.:x200



Расм 4.15. Тажрибанинг 21 кундан сўнг (назорат гурухи). Суяк тўсинлари юпқа, оралиқ бўшлиқлар кенг. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200



Расм 4.16. Тажрибанинг 21 кундан сўнг (2а гурух). Суяк тўсинлари хондроид тўқима хужайраларининг пролиферацияси ҳисобига кенгайган. Оралиқ остеопластик модда нисбати камайган. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200




Расм 4.17. Тажрибанинг 21 кундан сўнг (2а гурух). Суяк тўсинлари хондроид тўқима хужайраларининг пролиферацияси. Гематоксилин-эозин. Масш.:x400


26 тажриба гурухида ушбу даврда хондроид тўқимадан иборат тўсинларга қон томирларнинг кириб келиши кузатилди, улар атрофида остеобластлар аниқланди. Қон томирлар атрофида суяк пластинкаларга ўхшаш тузилмалар ҳосил бўлиши маълум бўлди (4.18-расм).

Экспериментнинг 30-кунда ҳайвонлар назорат гурухида жароҳат атрофидаги суяк тўқимасидан кириб келган қон томирлар атрофида остеобластлар ҳисобига суякланиш жараёни нозик суяк пластинкалари аниқланди. Хондроид тўқима нисбати аввалги муддатга нисбатан камайган


(4.19-расм). 2а тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан суякланиш жараёни жадалроқ кечиши кузатилди. Osteoplastik материал ўрнида аста-секин суяк тўқимаси аниқланди (4.20-расм). 2б гуруҳида суяк нуқсони соҳаси 2а гуруҳга нисбатан етилган суяк тўқимаси билан тўлдирилган, яъни қон томирлар атрофида концентрик нозик суяк пластинкалари (остеонлар) шаклланди (4.21-расм). Ушбу ҳолат назорат гуруҳида кузатилмади.



Расм 4.18. Тажрибанинг 21 кунидан сўнг (2б гуруҳ). Суяк тўқималари орасидаги қон томирлар, улар атрофида дастлабки суяк пластинкалар. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200



Расм 4.19. Тажрибанинг 30 кун (назорат гуруҳи). Нозик суяк пластинкаларининг шаклланиши. Хондроид тўқима нисбати камайган. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200



Расм 4.20. Тажрибанинг 30 кун (2а тажриба гуруҳи). Суяк тўқималари хондроид модда ҳисобига қалинлашган. Суякланиш оролчалари нисбатининг ошиб бориши. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200




Расм 4.21. Тажрибанинг 30 кун (2б гуруҳ). Шаклланаётган остеонлар. Гематоксилин-эозин. Масш.:x400


Тажрибадан икки ой ўтгач, назорат гуруҳи ҳайвонларида нуқсон соҳасида шаклланаётган концентрик суяк пластинкалари ва суяк тўсинлари кузатилди. Суяк тўсинларининг нисбати тажриба гуруҳига нисбатан кўпроқ. Бу дағал толали суяк тўқимасининг пластинкасимон нозик суяк тўқимасига айланиш жараёнининг давом этишидан далолат беради (4.22-расм). Тажрибанинг ушбу муддатида 2а ва 2б тажриба гуруҳларида қўлланилган А-Oss ва А-Oss+PRF материал ўрнида дағал толали суяк тўқимасининг пастки жағ суягига хос бўлган пластинкасимон суяк тўқимасига ўтиши яқунланганлиги кузатилди. Трансплантация соҳаси суяк тўқимаси билан бирлашган, аввалги нуқсон чегаралари йўқолиб кетганлиги аниқланди (4.23, 4.24- расмлар).



Расм 4.22. Тажрибанинг 60 куни (назорат гуруҳи). Шаклланаётган пластинкасимон суяк тўқимаси. Гематоксилин-эозин. Масш.:x400



Расм 4.23. Тажрибанинг 60 куни (2а гуруҳи). Тўлиқ шаклланган пластинкасимон суяк тўқимаси. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200



Расм 4.24. Тажрибанинг 60 куни (2б гуруҳи). Тўлиқ шаклланган пластинкасимон суяк тўқимаси. Гематоксилин-эозин. Масш.:x200

Шундай қилиб, жағ суяги тўқимасида сунъий равишда ҳосил бўлган нуқсонда тажрибада 2а (А-Oss) ва 2б (А-Oss+PRF) гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан суяк тўқималарининг регенерация жараёни хондроид тўқима пролиферацияси, қон томирларининг жадаллик билан нормал суяк тўқимасидан кириб келиши ҳисобига амалга ошганлиги аниқланди. А-Oss остеопластик материалнинг ғалвирсимон тузилиши, гидрофиллиги, юзасининг нотекислиги, таркибида коллаген борлиги, ҳажми ва мустаҳкамлигининг доимийлиги остеогенез жараёнини тезлаштиради. А-Oss остеобластларни фаоллаштириб, уларни суяк трабекулалари юзасига жадаллик билан бирикишини таъминлайди, бу эса концентрик суяк пластинкаларини шакллантиришни тезлаштиради. А-Oss остеопластик материалнинг бундай хоссалари қисқа вақт ичида нуқсонни тўлиқ тикланишига имкон берди деб хулоса қилиш мумкин. А-Oss ни PRF материал билан биргаликда қўлланилиши репаратив регенерация жараёнини янада тезлаштиради. PRF материалнинг асосий таъсири қон томирларнинг ўсишини стимуллашдадир. Бу эса операция соҳасида моддалар алмашинувини жадаллаштиради, натижада пластинкасимон суякнинг ҳосил бўлишини тезлаштиради деган хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг **“Таклиф этилган усулда даволанган беморларни клиник текширув натижалари”** деб номланган бешинчи бобида ўтказилган текширувлар натижасига кўра қўлланилган препаратнинг маҳаллий ва умумий таъсири организмнинг ёшига, умумий ҳолатига, қўшимча касалликлар борлиги асосланган.

Даволашнинг самарадорлиги операциядан кейинги давр курсларини, шунингдек асосий ва назорат гуруҳидаги инструментал текшириш натижаларини баҳолаш орқали аниқланди. Даволаш натижаларини баҳолаш операция қилинган кундан бошлаб бир йил ичида амалга оширилди. Суяк тўқимасини тиклаш тезлиги ва сифати, ишлатилган материалнинг сўрилиш даражаси, беморларнинг шикояти ва такрорий ташрифлар нисбати таҳлил қилинди.

